

«Smart bank» акциядорлик жамияти
Ягона акциядори йиғилишининг
2023 йил «6 » февраль даги
02/1 - сонли қарорига
3-илова

**«SMART BANK» АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ
КУЗАТУВ КЕНГАШИ ТҮФРИСИДАГИ
НИЗОМ**

Тошкент – 2023 йил

Мазкур “Smart bank” акциядорлик жамияти Кузатув кенгаши тўғрисидаги низом” (кейинги ўринларда Низом деб юритилади) Ўзбекистон Республикасининг “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги, “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳукуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунлари ва бошқа амалдаги қонунчилик ҳужжатлари ҳамда “Smart bank” акциядорлик жамияти Уставига мувофиқ ишлаб чиқилган.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом “Smart bank” акциядорлик жамияти (бундан буён матнда Банк деб юритилади) Кузатув кенгаши мақомини ва фаолият юритишини белгилайди, Банк Кузатув кенгаши томонидан Ўзбекистон Республикаси қонунчилик ҳужжатларига ва Банк Уставига мувофиқ ўз ваколатига киритилган қарорлар қабул қилинишини тартибга солади.

2. Банк Кузатув кенгаши Банк фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади, бошқарувга оид қарорлар қабул қилиш жараёнида назорат ва текширув вазифасини бажаради ҳамда умуман Банкнинг фаолияти ва молиявий барқарорлиги учун жавобгар ҳисобланади. Ягона акциядорнинг ваколат доирасига киритилган масалаларни ҳал этиш бундан мустасно.

3. Банк Кузатув кенгаши Банкни самарали ва тадбирли бошқаришни, шу жумладан Банк Бошқаруви аъзолари ўртасида ваколатларнинг ҳамда жавобгарликнинг тақсимланишини, манфаатлар тўқнашувининг олди олинишини ва бартараф этилишини таъминлайдиган бошқарув ташкилий тузилмасини белгилайди ҳамда унинг жорий этилиши устидан назорат ва текширувни амалга оширади.

4. Банк Кузатув кенгаши аъзолари Банкнинг оқилона корпоратив бошқарувига қўмаклашиши ҳамда ўз ваколатларини ва мажбуриятларини бажариш чоғида Банкнинг, унинг омонатчилари ва акциядорларининг қонуний манфаатларини инобатга олиши, шунингдек Марказий банк билан самарали ҳамкорликни таъминлаши керак.

5. Банк Кузатув кенгаши қарорлари видеоконференц-алоқа орқали ҳам қабул қилиниши мумкин.


2-боб. Банк Кузатув кенгашининг ваколат доираси

6. Банк Кузатув кенгашининг ваколат доирасига қуйидагилар киради:

Банк фаолиятининг устувор йўналишлари ва уни ривожлантириш стратегиясини белгилаш;

Ягона акциядор томонидан тасдиқланган узок муддатли стратегия асосида Банкнинг қисқа (бир йиллик) ва/ёки ўрта муддатли (уч йиллик) бизнес-режаларни тасдиқлаш;

Банкнинг қабул қилинган бизнес-режаси бажарилиши устидан назорат



қилиш, шунингдек ҳар чоракда Банкнинг фаолияти натижалари тўғрисида Банк Бошқарувининг ҳисоботини эшлиши;

йиллик молиявий ҳисоботларни тасдиқлаш ҳамда бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботлар тизимининг яхлитлигини таъминлаш;

Банкнинг захира фондидан ва бошқа фондларидан фойдаланиш;

Банкнинг молиявий ҳолатини тиклаш режаларини тасдиқлаш;

мол - мулкнинг бозор қийматини белгилашни ташкил этиш;

Банкнинг тижорат ва нотижорат ташкилотлардаги иштироки билан боғлик битимларни қонун хужжатларида белгиланган тартибда тузиш;

Банкнинг филиаллари, банк хизматлари марказларини ташкил этиш ва ваколатхоналарини очиш;

Банкнинг шўъба ва тобе хўжалик жамиятларини ташкил этиш;

Банкнинг ташкилий тузилмаси юзасидан Ягона акциядор кўриб чиқиши учун тавсиялар киритиш;

Банк томонидан депозит сертификатлари чиқариш, уларни қайтариб сотиб олиш тўғрисида қарорлар қабул қилиш;

Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар хукуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунига мувофиқ акцияларни жойлаштириш (қимматли қоғозларнинг биржа бозорига ва уюшган биржадан ташқари бозорига чиқариш) нархини белгилаш;

баланс қиймати ёки олиш қиймати битим тузиш тўғрисида қарор қабул қилинаётган санада Банк соф активлари миқдорининг 15 (Ўн беш) фоизидан 50 (Эллик) фоизигачасини ташкил этувчи мол-мулк хусусида йирик битим тузиш тўғрисидаги қарор қабул қилиш;

йирик битим тузиш масаласи бўйича Банк Кузатув кенгашининг яқдиллигига эришилмаган такдирда йирик битим тузиш масаласини Ягона акциядорга ҳал қилиши учун олиб чиқиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар хукуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунига мувофиқ аффилланган шахс билан банк томонидан битим тузиш тўғрисидаги қарор қабул қилиш;


дивиденд миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби юзасидан Ягона акциядор кўриб чиқиши учун тавсиялар киритиш;

Банкни қайта ташкил этиш ва тугатиш тўғрисида Ягона акциядор кўриб чиқиши учун тавсиялар киритиш;

Банк устав фонди (капитали)ни ошириш ёки камайтириш тўғрисида Ягона акциядор кўриб чиқиши учун тавсиялар киритиш;

Банк Уставига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ёки Банкнинг янги таҳрирдаги Уставини тасдиқлаш тўғрисида Ягона акциядор кўриб чиқиши учун тавсиялар киритиш;

фойда ва заарларни тақсимлаш тўғрисида Ягона акциядор кўриб



чиқиши учун тавсиялар киритиш;

Банкнинг Тафтиш комиссияси аъзоларига тўланадиган ҳақ ва компенсацияларнинг миқдорлари юзасидан Ягона акциядор кўриб чиқиши учун тавсиялар киритиш;

Банк Бошқарув раисини бир (ёки уч) йил муддатга сайлаш (тайинлаш), унинг ваколатини муддатидан илгари тугатиш тўғрисида Ягона акциядор кўриб чиқиши учун тавсиялар киритиш;

Ягона акциядор қарори асосида Банк Бошқаруви раиси билан бир (ёки уч) йил муддатга меҳнат шартномасини тузиш, шартноманинг амал қилиш муддатини узайтириш ёки уни бекор қилиш;

Банк Бошқарув раисининг ваколати муддатидан илгари тугатилган тақдирда, унинг вазифасини вақтинча бажарувчини тайинлаш;

Банк Бошқаруви аъзоларини сайлаш (тайинлаш), уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;

Банк Бошқаруви устидан назоратни амалга ошириш;

Банк Бошқаруви аъзолари томонидан тақдим этилган ахборотни, тақлифларни ва тушунтиришларни ўрганиш, муҳокама қилиш ҳамда улар бўйича баҳслашиш;

Банк фаолиятини бошқариш тизими самарадорлигини, шу жумладан Банк Бошқаруви принциплари мониторингини ва уларни даврий баҳолашни амалга ошириш ҳамда аниқланган камчиликларни бартараф этиш учун тегишли чораларни кўриш;

Банк Бошқарувига тўланадиган ҳақ ва (ёки) компенсацияларни, шунингдек уларнинг энг юқори миқдорларини белгилаш;

корпоратив маслаҳатчини ва/ёки корпоратив котибни тайинлаш ва уларнинг фаолияти тартибини белгиловчи низомни тасдиқлаш;

стратегик мақсадларни, корпоратив бошқарув сиёсатини, Банкнинг бошқа ички сиёсатларини, шу жумладан таваккалчиликларни аниқлаш, бошқариш, мониторинг қилиш ва улар тўғрисида хабардор этиш, капиталнинг етарлилигини лозим даражада сақлаб туриш сиёсатини тасдиқлаш ҳамда уларнинг амалга оширилиши устидан назорат қилиш;

манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш ва уни бартараф этиш тартибини тасдиқлаш;

қонун ҳужжатларига мувофиқ Банк Кузатув кенгаши ваколатига кирувчи Банкнинг бошқа ички меъёрий ҳужжатларини тасдиқлаш ҳамда уларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш;

ички аудит хизматини ташкил этиш ва унинг ходимларини тайинлаш, шунингдек ҳар чоракда унинг ҳисботларини эшишиб бориш ва улар асосида Банк Бошқаруви томонидан Банк стратегиялари ва сиёсатларига риоя этилишини баҳолашдан ўтказиш;

SMART BANK	Ro'yxatdan o'tkazildi Ro'yxat raqami: <u>V-2</u> Sana: <u>"lo "</u> fevral <u>2013</u> yil Imzo: <u>Муродов</u>
------------	--

активларни таснифлаш асосида активлар бўйича эҳтимолдаги заарларга қарши яратиладиган захиралар шакллантирилиши устидан назорат қилиш, шунингдек Банкнинг капитал ва умумий захираларининг етарли даражада сақлаб турилишини таъминлаш;

бир йилда камида бир марта амалга оширилган назорат ва текширув фаолияти тўғрисида Ягона акциядорга ҳисбот тақдим этиш;

бизнес режа доирасида хайрия, ҳомийлик ва беғараз ёрдам бериш тўғрисида қарорлар қабул қилиш ва бу тўғрисида Ягона акциядорга маълумот тақдим этиш;

Банкнинг узоқ муддатли молиявий манфаатларини ва Марказий банк томонидан капиталга нисбатан белгиланган талабларни ҳисбога олган ҳолда пруденциал талабларга риоя этилишини таъминлаш;

коррупцияни олдини олиш юзасидан ички ҳужжатларни ҳамда одоб-ахлоқ қоидаларини тасдиқлаш;

қонун ҳужжатларига ҳамда Банкнинг Устави ва ушбу Низомга мувофиқ Банк Кузатув кенгашининг ваколат доирасига кирувчи бошқа масалаларни ҳал қилиш.

7. Амалдаги қонун ҳужжатлари, Банк Устави ва мазкур Низом билан Банк Кузатув кенгашининг ваколат доирасига киритилган масалалар ҳал қилиш учун Банк Бошқарувига ўтказилиши мумкин эмас.

3-боб. Банк Кузатув кенгашининг вазифалари ва мажбуриятлари

8. Банк Кузатув кенгашининг вазифалари ва мажбуриятлари қуйидагилардан иборат:

а)ўз ваколатларини Ягона акциядор манфаатларини кўзлаб амалга ошириш;

б)Банкка ўз ваколатларига мос равишда раҳбарлик қилишни таъминлаш;

в)Банк фаолияти, кредитлар бериш ва маблағларни инвестициялашнинг тўғрилиги устидан жорий назоратни амалга ошириш (омонатчилар, кредиторлар ва акциядорлар манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида);

г)Банкнинг етарли даражадаги капиталлашувини таъминлаш;

д)Банк фаолияти стратегиясини шакллантириш;


е)Банкни ривожлантириш бўйича қабул қилинган бизнес-режалар ижросини назорат қилиш;

ё)Банкнинг фойда кўриши мониторингини олиб бориш;

ж)ички аудит хизмати фаолият кўрсатишини ташкил этиш;

з)корпоратив бошқариш бўйича қонун ҳужжатлари билан белгиланган талабларга риоя қилиниши тўғрисидаги ҳисботни Ягона акциядорга тақдим этиш.

и)Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари ва Банк



Уставида ҳамда ушбу Низомда назарда тутилган бошқа мажбуриятларни бажариш.

4-боб. Банк Кузатув кенгашини сайлаш тартиби

9. Банк Кузатув кенгашининг таркиби 5 (Беш) аъзодан иборат бўлади. Банк Кузатув кенгashi аъзолари ўз мулоҳазаларининг мустақиллиги бўйича талабларга риоя этиши керак.

10. Банк Кузатув кенгашининг аъзолигига кўрсатилаётган номзодларни уларнинг лавозимга киришишидан олдин Марказий банк билан келишилади.

11. Банк Кузатув кенгашининг аъзолари Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар хуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонуни, амалдаги қонун ҳужжатлари ҳамда мазкур Уставга мувофиқ Ягона акциядор томонидан бир (ёки уч) йил муддатга сайланади.

Банк Кузатув кенгashi таркиби сайланган шахслар чекланмаган тарзда қайта сайланиси мумкин.

12. Қуйидаги ҳолларда шахс Банк Кузатув кенгashi аъзолигига сайланиси мумкин эмас ёки сайланган шахс Банк Кузатув кенгashi аъзолиги хуқуқидан маҳрум этилади, агар:

а)шахс икки ёки ундан ортиқ банкнинг Кузатув кенгashi аъзоси бўлса ёки аъзо бўлиш ниятида бўлса, бундан мазкур банклар бир банк гурухига тегишли бўлган ҳоллар мустасно;

б)шахснинг ваколатлари Марказий банк талабига кўра муддатидан илгари тугатилган бўлса;

в)Банк Бошқаруви аъзолари, унинг шўъба ва тобе хўжалик жамиятларида меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлаётган шахслар ва ушбу жамиятлар бошқарув органларининг аъзолари;

г)Банкда меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлаётган шахслар.

13. Банк Кузатув кенгashi таркиби сайланадиган шахсларга нисбатан қўйиладиган талаблар Банк Уставида ёки Ягона акциядор томонидан қарор билан белгилаб қўйилиши мумкин.

14. Банк Кузатув кенгashi аъзосининг ваколатлари қуйидаги ҳолатларда тегишли асослар бўйича бекор қилиниши мумкин:

а)Ягона акциядорни ёзма шаклда хабардор қилган ҳолда ўз ваколатларини ихтиёрий равишда топшириш;


б)Банк Кузатув кенгashi аъзосининг вафоти;

в)Банк Кузатув кенгashi аъзосининг қамоқقا олиниши;

г)Ягона акциядор томонидан тегишли қарор қабул қилиниши.

5-боб. Банк Кузатув кенгashi раиси

15. Банк Кузатув кенгашининг раиси Кузатув кенгashi аъзолари



томонидан Банк Кузатув кенгаши таркибидан Кузатув кенгаши аъзоларининг умумий сонига нисбатан кўпчилик овоз билан сайланади.

16. Банк Кузатув кенгаши ўз раисини Банк Кузатув кенгаши аъзоларининг умумий сонига нисбатан кўпчилик овоз билан қайта сайлашга ҳақли.

17. Банк Кузатув кенгашининг раиси:

Банк Кузатув кенгаши ишини ташкил этади;

Банк Кузатув кенгаши мажлисларини чақиради ва уларда раислик қилади;

мажлисларда баённома юритилишини ташкил этади.

18. Банк Кузатув кенгашининг раиси қонун ҳужжатларда назарда тутилган бошқа ваколатларга ҳам эга бўлиши мумкин.

19. Банк Кузатув кенгаши раиси бўлмаган тақдирда унинг вазифасини Банк Кузатув кенгашининг аъзоларидан бири амалга оширади.

6-боб. Банк Кузатув кенгаши мажлиси

20. Банк Кузатув кенгашининг мажлиси қуидаги ҳолларда чақирилади:
Банк Кузатув кенгаши раиси томонидан унинг ўз ташаббусига кўра;
Банк Кузатув кенгаши аъзосининг талабига кўра;
Тафтиш комиссияси аъзосининг талабига кўра;
Банк Бошқарувининг талабига кўра;
ички аудит хизмати раҳбарининг талабига кўра;
ташқи аудиторнинг талабига кўра;
Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки талабига кўра.

21. Банк Кузатув кенгаши мажлисими ўтказиш учун кворум Банк Кузатув кенгаши аъзолари белгиланган сонининг камида 75 (Етмиш беш) фоизини ташкил қилиши керак.

22. Банк Кузатув кенгаши аъзоларининг сони Банк Устави ва мазкур Низомда назарда тутилган миқдорнинг 75 (Етмиш беш) фоизидан кам бўлган тақдирда, Ягона акциядор томонидан Банк Кузатув кенгашининг янги таркиби сайланади.

23. Банк Кузатув кенгашининг мажлисида қарорлар, агар қонун ҳужжатларида ҳамда Банк Уставида ва мазкур Низомда ўзгача қоида назарда тутилмаган бўлса, мажлисда ҳозир бўлганларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади. Банк Кузатув кенгашининг мажлисида масалалар ҳал этилаётганда Банк Кузатув кенгашининг ҳар бир аъзоси битта овозга эга бўлади.

24. Банк Кузатув кенгашининг мажлисида қуидаги қарорлар бир овоздан қабул қилиниши лозим:

Банкнинг устав капиталини қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли

SMART BANK	Ro'yxatdan o'tkazildi Ro'yxat raqami: 1-2 Sana: "20" fevral 2023 yil Imzo: Мерсауд
------------	---

билан кўпайтириш тўғрисидаги;

Банк Уставига тегишли ўзгартишлар киритиш ҳақидаги;

баланс қиймати ёки олиш қиймати битим тузиш тўғрисида қарор қабул қилинаётган санада Банк соф активлари миқдорининг 15 (Ўн беш) фоизидан 50 (Эллик) фоизигачасини ташкил этувчи мол-мулк хусусида йирик битим тузиш тўғрисидаги;

аффилланган шахс билан банк томонидан битим тузиш тўғрисидаги.

Шунингдек, Банк Кузатув кенгашининг қарорлари сиртдан овоз бериш йўли билан (сўров йўли билан) Банк Кузатув кенгашининг барча аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилиниши мумкин.

25. Банк Кузатув кенгашининг икки ва ундан кўпроқ аъзоси аффилланган шахслар бўлган ҳолатда, битим бўйича қарор Ягона акциядор томонидан қабул килинади. Банкнинг аффилланган шахси Банк Кузатув кенгаши ёки Ягона акциядор томонидан ушбу битим бўйича қарор қабул қилинишида муҳокамада иштирок этишга ва овоз беришга ҳақли эмас.

26. Банк Кузатув кенгашининг бир аъзоси ўз овозини Банк Кузатув кенгашининг бошқа аъзосига беришига йўл қўйилмайди. Банк Кузатув кенгаши аъзоларининг овозлари teng бўлган тақдирда Банк Кузатув кенгаши томонидан қарор қабул қилишда Банк Кузатув кенгаши раисининг овози ҳал қилувчи ҳисобланади.

27. Банк Кузатув кенгаши ўз ишини ташкил қилиш учун корпоратив котиб (ёки корпоратив маслаҳатчи)ни тайинлаши мумкин. Корпоратив котиб (ёки корпоратив маслаҳатчи) Банк Кузатув кенгаши ва (ёки) Банк Бошкаруви аъзоси ҳисобланмайди ва у Банк Кузатув кенгашига ҳисбот беради.

Корпоратив котиб (ёки корпоратив маслаҳатчи)ни тайинлаш ва уларнинг фаолияти Банкнинг алоҳида ички меъёрий ҳужжати билан тартибга солинади.

28. Банк Кузатув кенгашининг мажлисида баённома юритилади. Банк Кузатув кенгаши мажлисининг баённомаси мажлис ўтказилганидан сўнг 10 (Ўн) кундан кечиктирмай тузилади. Мажлис баённомасида қуидагилар кўрсатилади:

мажлис ўтказилган сана, вақт ва жой;

мажлисда ҳозир бўлган шахслар;


мажлиснинг кун тартиби;

овоз беришга қўйилган масалалар, улар юзасидан ўтказилган овоз бериш якунлари;

қабул қилинган қарорлар.

29. Банк Кузатув кенгаши мажлисининг баённомаси мажлисда иштирок этган Банк Кузатув кенгаши аъзолари томонидан имзоланади.

30. Банк Кузатув кенгаши мажлисининг баённомаси имзоланган куни



Банк Бошқарувига ижро этиш учун топширилади. Банк Кузатув кенгаши Ягона акциядорни қарор қабул қилиш учун чакириш түғрисида қарор қабул қилган тақдирда мазкур қарор ҳақидаги ахборот Банк Бошқарувига Банк Кузатув кенгашининг мажлиси ўтказиладиган куни топширилади.

7-боб. Банк Кузатув кенгаши аъзоларининг хукуқ ва мажбуриятлари

31. Банк Кузатув кенгаши аъзоси қуйидаги хукукларга эга:

ўз мулоҳазаларининг мустақиллиги бўйича талабларга риоя этиши;

Банк Кузатув кенгаши йиғилишида шахсан иштирок этиш, йиғилишда муҳокама этилаётган масала бўйича регламентда ажратилган вақт доирасида сўзга чиқиш;

сиртдан овоз бериш йўли билан қабул қилинаётган қарор бўйича ўз фикрини бериш;

муайян давр мобайнида банк фаолиятининг натижалари, уни ривожлантириш режалари ҳақида тўлиқ ва ишонарли ахборот олиш;

зиммасидаги вазифаларни бажара туриб Банк Кузатув кенгашидаги иши учун муайян мукофот олиш.

32. Банк Кузатув кенгаши аъзолари ўртасида вазифалар Банк Кузатув кенгаши раиси томонидан тақсимланади.

Банк Кузатув кенгаши аъзоларига ўз вазифаларини бажариб турган давр учун Банкнинг ички меъёрий хужжатларига мувофиқ ҳақ тўлаб борилади. Шунингдек, ҳисобот йил якунлари бўйича Корпоратив бошқарув тизими ва Банк фаолиятининг молиявий натижаларининг холисона баҳоланиши натижаларига кўра Банк Кузатув кенгаши аъзоларига мукофот тўланиши мумкин.

33. Банк Кузатув кенгаши аъзоси қуйидаги мажбуриятларга эга:

бенуқсон ишчанлик обрўсига, банк таваккалчиликларининг самарали бошқарилишини, ўз ваколатлари доирасида асосли қарорлар қабул қилинишини таъминлаш учун зарур бўлган тажрибага, билим ва кўникмаларга эга бўлиш;

Банк манфаатлари ҳисобга олинган ҳолда ўз ваколатларини амалга ошириш;

Банк Уставида белгиланган тартибда малакали Банк Бошқаруви аъзоларини ишга ёллаш ва уларни тасдиқлаш;

Банк Бошқаруви билан маслаҳатлашган ҳолда Банкнинг узоқ ва қисқа муддатли бизнес-режасини белгилаш ва ижросини назорат қилиш;

Банк мақсадларига эришиш ҳамда қонуний, хавфсиз ва самарали банк фаолиятини юритиш учун зарур ички сиёсатларни белгилаш;

қонун хужжатларига ва Банк сиёсатларига мувофиқ банк операциялари устидан амалга оширилаётган етарли назоратни амалга ошириш;



Ro'yxatdan o'tkazildi
Ro'yxat raqami: 11-1
Sana: "20" fevral 2013 yil
Imzo: *[Signature]*

Банкнинг жорий фаолиятини кузатиш;
амалдаги қонун хужжатлари, Банк Устави ва мазкур Низом билан
белгиланган ваколатлар доирасида бошқа мажбуриятлар.

34. Банк Кузатув кенгаши аъзоси Банк тарафлардан бири бўлган
битимда молиявий манфаатдорликка эга бўлган ҳолатда, шунингдек Банк
Кузатув кенгаши аъзосининг бошқа манфаатлар тўқнашуви ҳолатида Банк
Кузатув кенгаши аъзоси битим тузиладиган пайтгача Банк Кузатув
кенгашини ўз манфаатдорлиги тўғрисида олдиндан хабардор қилиши шарт,
битим тўғрисида қарор эса Банк Кузатув кенгашининг бундай
манфаатдорликка эга бўлмаган аъзоларининг кўпчилик овози билан қабул
қилиниши ёхуд Ягона акциядор томонидан қабул қилиниши керак. Бунда,
Банк Кузатув кенгашининг манфаатдор аъзолари бундай битим бўйича
муҳокамада ҳам, қарор қабул қилишда ҳам иштирок этмайдилар.

35. Банк ўзига алоқадор шахслар билан қонун хужжатларини ҳисобга
олган ҳолда фақат Банк Кузатув кенгашининг қарорига кўра битимлар
тузиши мумкин. Агар шахс Банк билан битим тузиш бўйича шартнома
имзоланганидан кейин Банкка алоқадор шахсга айланса, Банк Кузатув
кенгаши шахс Банкка алоқадор шахсга айланган кундан эътиборан ўттиз кун
ичида мазкур шартномани маъқуллаши ёки уни бекор қилиш тўғрисида
фармойиш бериши керак.

36. Банк Кузатув кенгашининг аъзоси Банк билан ўзи ўртасида ёки ўзига
алоқадор шахс ўртасида тузилган ёки тузиладиган битим масаласи
кўрилаётган Банк Кузатув кенгаши йиғилишида ҳозир бўлмаслиги, Банк
Кузатув кенгаши қабул қиласидан қарорга таъсир кўрсатишга уринмаслиги
керак.

Банк ўзига алоқадор бўлган шахслар билан тузилган битимларнинг
алоҳида рўйхатини юритиши ва Марказий банкни Банкка алоқадор шахслар
билин битимлар тузилиши олдидан хабардор этиши шарт.

37. Банк Кузатув кенгаши аъзолари Банк Кузатув кенгаши томонидан
бирон-бир қарорлар қабул қилинишига таъсир ўтказганлиги учун бевосита
ёки билвосита мукофот олиш ҳукуқига эга эмаслар.

38. Банк Кузатув кенгаши аъзолари Банк имкониятларидан (мулкий ёки
номулкий ҳукуқлар, хўжалик фаолияти соҳасидаги имкониятлар, банк
фаолияти ва режалари тўғрисидаги ахборотдан) шахсий бойлик орттириш
мақсадида фойдаланишга ҳақли эмаслар.

39. Ягона акциядор манфаатлари ва ҳукуқларини Банк Кузатув кенгаши
қуидаги усувлар билан ҳимоя қиласиди:

Ягона акциядорнинг манфаатларини ҳисобга олган ҳолда Банк
фаолиятини самарали ташкил қилиш;

Банкнинг устав фонди (капитали)ни кўпайтириш ёки камайтириш,

қўшимча акциялар ва шу кабиларни чиқариш йўли билан ўзгартирилганида Ягона акциядорларнинг ҳуқуқлари камситилишига йўл қўймаслик;

Банкнинг самарали дивиденд сиёсатини ишлаб чиқиш;

Ягона акциядор билан ўзаро муносабатларга боғлиқ масалаларни кўриб чиқиш;

Банк Бошқарувнинг ғайриқонуний ҳамда нолойик ҳаракатлари устидан Ягона акциядорнинг шикоят ва таклифларини ўрганиш.

8-боб. Банк фаолияти устидан назоратни амалга ошириш

40. Банк Кузатув кенгаши Банк Бошқарувидан Банкнинг молиявий аҳволи ва фаолияти тўғрисида вақти-вақти билан (ҳар чоракда камида бир марта) шарҳлар ҳамда ёзма ҳисботларни, жумладан уларни яхшилашга оид тавсияларни олиб туради, шунингдек Банк Бошқаруви раиси ва ички аудит хизмати раҳбарининг маъruzаларини тинглайди.

Банк Кузатув кенгаши аъзолари шундай ҳисботлар ва тавсияларнинг тўғрилигини ҳамда амалга ошириш мумкинлигини аниқлаш мақсадида уларни синчиклаб текширадилар.

41. Банк Кузатув кенгаши Банк фаолияти устидан назоратни амалга ошириш бўйича вазифаларни бажариш учун тегишли қўмита (ва/ёки комиссия)лар ташкил этиши ва улар тўғрисида низомларни ишлаб чиқиши мумкин.

42. Ҳар бир қўмита (ва/ёки комиссия) ўз фаолият масалалари бўйича мустақил йигилишлар ўтказади ва Банк Кузатув кенгаши олдида амалга оширилган ишлар якунлари тўғрисида ҳисбот бериб боради.


43. Қўмита (ва/ёки комиссия)лар таркибига Банк Кузатув кенгашининг аъзоси (аъзолари) киритилиши лозим.

44. Банк Кузатув кенгаши қўмита (ва/ёки комиссия)ларга юклатилган вазифалар ва мажбуриятлар ижросини мунтазам равишда назорат қилиши, бунга етарлича вақт ажратиши ва қўмита (ва/ёки комиссия)ларнинг тажрибали аъзолар билан бутланишини таъминлаши шарт.

9-боб. Кадрлар сиёсатини амалга ошириш

45. Банк Кузатув кенгаши Банк бошқарувининг халқаро тажрибага мувофиқ замонавий усуллари жорий қилинишини амалга оширади, Банк фаолиятининг меҳнат ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишга қўмаклашадиган устувор йўналишларини белгилайди.

46. Банк Кузатув кенгаши Банкнинг кадрлар сиёсатини, Банкка юқори малакали, билимдон, тажрибали, илгор фикрловчи, ташаббускор ва масъулиятли раҳбарлар ҳамда ходимларни жалб этиш стратегиясини ишлаб чиқиши амалга оширади.



47. Кадрлар сиёсати қонунчиллик хужжатларига мувофиқ куйидагиларни ўз ичига олади:

Банк ходимларини мукофотлаш, рағбатлантириш ва интизомий жавобгарлик чорасини кўриш;

ўқитиш ва қайта ўқитиш дастури;

Банк раҳбар ходимларини тайинлаш тартиби;

Банк раҳбариятини ишдан бўшатиш мажбурий бўлиб қоладиган ҳолларни аниқлаш.

48. Банк Кузатув кенгаши қуйидагиларни ишлаб чиқади ва тасдиқлайди:

Банк Бошқаруви аъзолари ва Банк асосий хизматлари раҳбарлари фаолиятини баҳолаш мезонлари;

Банк ходимлари корпоратив этика кодекси ва манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш чоралари;

билимсизлиги, нопоклиги, манфаатлар тўқнашуви ёки бошқа сабаблар оқибатида Банкнинг манфаатдор шахслари ўз зиммаларига юклатилган вазифалардан четлаштириладиган шарт-шароитлар рўйхати.

10-боб. Банкнинг адекват капиталлашишини таъминлаш

49. Банк капиталини сақлаш ҳамда уни Банкнинг операциялар қўламига ва таваккалчилик даражасига мос бўлишини таъминлаш мақсадида Банк Кузатув кенгаши:

Банк томонидан эҳтимолий йўқотишларга маҳсус захираларнинг ўрнатилган тартибда яратилиши устидан назоратни амалга оширади;

Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки томонидан белгиланган даражадан юқори бўлмаган банк таваккалчилиги даражасини таъминлашни Банк Бошқарувидан талаб қиласи;

қимматли қофозлар чиқариш тўғрисида қарор қабул қилинганда, Банк мазкур қимматли қофизларни жойлаштириш чораларини кўради;


Банкнинг капитал ва умумий захиралари етарлича даражада сакланишини таъминлайди.

11-боб. Банкнинг ривожланиш стратегияси ва бизнес-режасини тузиш ҳамда бажарилишини назорат қилиш

50. Банк Кузатув кенгаши Банкнинг ривожланиш стратегияси ва бизнес-режасини мустақил равишда ва/ёки четдан маслаҳатчилар ва эксперталарни жалб этган холда ишлаб чиқади ва тасдиқлайди ҳамда у қуйидагиларни ўз ичига олади:

Банк фаолиятининг устувор йўналишлари;

бошқарувнинг халқаро тажрибага мувофиқ замонавий усууларини жорий қилиш;



банк операциялари тўғрисида қарорлар қабул қилиш сиёсати; активлар ва пассивларни самарали бошқариш тизими; инвестициялаш тартиби ва шу кабилар.

51. Банк Кузатув кенгаши Банк Бошқаруви томонидан Банкнинг ривожланиш стратегиясини амалга оширилишини ва бизнес-режанинг бажарилишини таъминлайди ва назорат қиласди.

52. Банкни ривожлантириш стратегияси ва бизнес-режаси одатда зарур ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш мақсадида йилда камида бир марта кайта кўриб чиқилади.

12-боб. Банк Кузатув кенгаши аъзоларининг жавобгарлиги

53. Банк Кузатув кенгаши аъзолари ўз хукуқларини амалга оширишда ўз бурчларини бажаришда Банк манфаатларини кўзлаб иш тутишлари лозим. Банк Кузатув кенгашининг аъзолари қонун хужжатлари ва Банк Уставига мувофиқ Банк ва Ягона акциядор олдида жавобгардир.


54. Банк Кузатув кенгаши мажлисида овоз беришда қатнашмаган ёки Банкка зиён етишига олиб келган қарорга қарши овоз берган Банк Кузатув кенгаши аъзолари жавобгарликдан озод қилинади.

13-боб. Якуний қоидалар

55. Мазкур Низомга киритиладиган ўзгартириш ва қўшимчалар Банк Кузатув кенгаши тавсияси асосида Ягона акциядор томонидан тасдиқланади.

56. Мазкур Низом билан тартибга солинмаган масалалар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилик хужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

57. Ушбу Низомнинг алоҳида бандлари Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилиги ёки Банк Уставига зид бўлса, ушбу бандлар ўз кучини йўқотади ва ушбу бандларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилгунга қадар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги ва Банк Устави нормаларига амал қилинади.



ЮРИДИК ХУЛОСА


(норматив-хуқуқий хужжатни хуқуқий экспертизадан
ўтказиш тўғрисида)

Экспертиза ўтказувчи	Юридик департаменти
Экспертизадан ўтказилган меъёрий хужжат номи	“Smart bank” акциядорлик жамияти Кузатув Кенгashi тугрисидаги Низом.
Экспертиза ўтказишида фойдаланилган қонунчилик ва меъёрий хужжатлар	“Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида”, “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”, Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунларига Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига 2020 йил 30 июнда 3254-сон билан рўйхатга олинган “Тижорат банкларида корпоратив бошқарув тўғрисида Низом”, банкнинг Устави ва ички меъёрий хужжатлар.

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг амалдаги
қонунлари талабларига мувофиқ ишлаб чиқилган бўлиб, банк Кузатув
Кенгашининг макоми ва фаолият юритишини белгилайди, Кузатув
Кенгashi ваколат доираси, вазифалари ва мажбуриятлари, сайлаш
тартиби, кузатув кенгаш мажлиси, банк фаолияти устидан назоратни
амалга ошириш тартибларини белгилайди.

Ушбу Низомни ишлаб чиқишида қонунчилик техникиси
қоидаларига риоя қилинган.

Хуқуқшунос



М.Гуломжонова